


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“НКМК” АЖ ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши
раиси ўринбосари


2024 йил “ 7 ” 10

“Навоний кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши
ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ № _____

Навоний шаҳри

2024 йил “07” октябрь

Раислик қилувчи: И.Қ.Раҳматов -Жамоатчилик кенгаши раиси

Иштирок этди: Кенгаш аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Жамоатчилик кенгаши асосий вазифалари ва 2024 йил III-чорагида амалга оширилган ишлар таҳлиliga бағишлаб ўтказилган йиғилиш тўғрисида

(Раҳматов, Раупов, Джураев, Садриддинов, Исоқов, Идиев, Назарова, Раҳматов)

“НКМК” АЖ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И.Раҳматов йиғилишни очиб, Жамоатчилик кенгаши асосий вазифалари ва 2024 йил III-чорагида амалга оширилган ишлар таҳлили юзасидан ахборот берди.

Хусусан, маърузада Жамоатчилик кенгаши томонидан ўтган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилганлиги, иш режасида кўзда тутилган талаблар бўйича ишлар олиб борилганлиги ҳамда ушбу ишларни келгусида янада фаоллаштириш ва кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Музокараларда Х.Раупов, А.Джураев, Ш.Идиев ва бошқалар кенгаш аъзолари томонидан турли таклиф ва фикр-мулоҳазалари билдирилди.

Кун тартибида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиқиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “НКМК” АЖ Жамоатчилик кенгаши раиси И.Раҳматовнинг кун тартибига доир маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кенгаш аъзоларига:

- иш режасида белгиланган вазифаларни сўзсиз таъминлаш;
- кенгаш фаолиятида фаол иштирок этиш;

- Жамоатчилик кенгаши фаолияти бўйича бўлинмалар, меҳнат жамоаларида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш Жамоатчилик кенгаши котиби А.Джураев зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



А.Джураев